

ЯНГИ ЙИЛ БУТУН ХАЛҚИМИЗГА, ҲАР БИР ОИЛАГА ФАЙЗУ БАРАКА, БАХТУ САОДАТ ВА ОМАД КЕЛТИРСИН!

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2005-YIL ■ 1-YANVAR ■ SHANBA ■ 1 (27.336) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOVNING YANGI ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Она юртимизга Янги — 2005 йил кириб келишига санокли дақиқалар қолди.
Шу файзли оқшомда биз барчамиз байрам дастурхони атрофида, оила ва яқинларимиз, ёру дўстларимиз даврасида жам бўлиб, катта ҳаяжон билан курантлар садосини кутар эканмиз, ўтиб бораётган йилни хаёлан кузатиб қоламиз.

Авалло, шунинг айтиши керакки, биз учун 2004 йил осон кечгани йўқ.

Биз шу йил 29-30 март, 31 июль кунлари таҳликали воқеаларни бошимиздан кечирдик. Мамлакатимиз худудига суқилиб кирган қора кучлар, халқаро терроризм ўзининг манфур башарасини яна бир қарра кўрсатди — бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди.

Ўтган йил давомида ўз олдимизга қўйган айрим мўлжал ва режаларимизни рўйбга чиқара олмадик. Иқтисодиётимизнинг муайян соҳа ва тармоқларида ўз ечимини куттиб турган айрим жиҳдий муаммолар сақланиб қолмоқда.

Лекин, шуларга қарамай, 2004 йил мамлакатимиз учун омадли, хайр-баракали келганини эътироф этишимиз лозим.

Яқинда етаётган йилмиш ҳаётнинг барча соҳаларида биз учун сезиларли даражада юксалиш йили бўлди, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада орди.

Юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ҳам, бизнинг ўзимиз ҳам, меҳнатга, атрофимизда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларга муносабатимиз ҳам ўзгариб бормоқда.

Қишлоқ меҳнатқашларининг фидойилиги, қулай об-ҳаво шароити ва сувнинг етарли бўлгани пахта, галла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиши имконини берди, деҳқонларимизнинг рўзгорига даромад, кут-баракани кирди.

Мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг изчил ўсиш суръатлари таъминланмоқда, янги иншоотлар ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмоқда, ижтимоий тармоқлар жадал ривожланиб, одамларнинг ҳаёт даражаси тобора яхшиланимоқда.

Бу йил аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда 15 фоизга кўпайди, инфляция, яъни нарх-навонинг ошиши эса кескин пасайиб, унинг ўсиши 3,7 фоиздан ошмади.

Ижтимоий тармоқ ривожига — таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларида ҳам салмоқли ютуқларга эришдик. Нуруний кексаларимиз, давлатнинг ёрдами ва жамият эътиборига муҳтож бўлган барча инсонлар ҳақида ғамхўрлик қилиш масаласи аввалгидек доимо диққатимиз марказида бўлди.

Ўтиб бораётган йилда мамлакатимизда қабул қилинган, 2009 йилгача мўлжалланган янги — Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуимиллий дастурини жорий этишга киришдик.

Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳияти, билим ва касбий тайёргарлик даражаси юксалиб бормоқда.

Бу эса мамлакатимиз раванки ва фаровонлигининг, дунё ҳамжамиятидаги обрў ва нуфузининг мустаҳкам пойдевори ва гарови бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Спортчиларимизнинг жаҳон ва Олимпиада майдонларида кўлга киритаётган ютуқ ва зафарлари ҳам бизни қувонтирмасдан қолмайди.

Поёнига етаётган йил кўпчилик учун

ҳақиқатан ҳам меҳр ва муруват йили бўлди. Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастури доирасида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жами 373 миллиард сўмдан зиёд, жумладан, саховатли тадбиркорлар ва хайрия ташкилотларининг маблағлари сарфланди.

2004 йил мамлакатимизнинг сиёсий ҳаёти ҳам муҳим воқеалар билан алоҳида ажралиб туради.

Бир неча кун аввал Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда халқимиз ўзининг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ўсиб бораётганини намоян этди, демократик янгилиниш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида танлаган йўлимининг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Қадрли дўстлар!
Сўнги йиллар мобайнида амалга оширган ишларимиз, мамлакатимизнинг бугунги салоҳияти, 2005 ва кейинги йилларга белгиланган режаларимиз келажакка қатъий ишонч билан қарашга тўла асос беради.

Кириб келаётган янги йил Ўзбекистонда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Биз ўз олдимизга қўяётган эзгу мақсад — давлат ва жамиятимиз, жамоат ва тижорат тузилмаларининг, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонларнинг имконият ва салоҳиятини эл-юрт саломатлиги йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишдан иборат.

Бизнинг мақсадимиз — фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва барқамол бўлиб воёга етишига, табарруқ қарияларимизнинг умрлари узок бўлиши, кўп йиллар давомида соғсаломат ҳаёт кечиришларига эришиш, бутун Ўзбекистон аҳолисининг тўлақонли, соғлом турмуш тарзи асосида яшاشи учун шарт-шароит яратиб беришдир.

Яна бир масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Келгуси йилда аҳолининг реал даромадларини, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида меҳнатга тўланадиган иш ҳақи миқдорини, шулар қаторида пенсиялар, нафақалар, стипендияларни, бир сўз билан айтганда, аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг асосий манба ва омилларини кўпайтиришга олдинги йилга нисбатан кўпроқ эътибор қаратилади.

Табиийки, биз ўз олдимизга қўяётган ана шу улуғвор мақсадларга эришиш учун белимизни қаттиқ боғлаб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз даркор. Яна ва яна бир бор таъкидламоқчиман — ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, Ўзбекистон деб аталган, биз севиб-ардоқлайдиган, ҳаммамиз учун ягона бўлган умумий уйимизда тинчлик, ғазор хурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатликни сақлаш учун барчамизга боғлиқ вазифаларни бажаришда ўзимизни аямаслигимиз керак.

Қадрли юртдошларим!
Мана шу унутилмас, ҳаяжонли лаҳзаларда барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Янги йил бутун халқимизга, ҳар бир оилага файзу барака, бахту саодат ва омад келтирсин!
Барча орзу-умидларимиз рўйбга чиқсин!
Юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик барқарор бўлсин!
Янги йилингиз кутлуг бўлсин, азиз дўстлар!

Президент арчаси

БОЛАЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Мамлакатимизда ёш авлодни барқамол воёга етказиш, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, шунингдек, мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Аънаваний «Президент арчаси» Янги йил тадбирлари ҳам фарзандларимизга юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси.

29 декабрь куни пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ташкил этилган «Президент арчаси» томошалари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Уларга кам таъминланган, эҳтиёжмандал оилаларнинг фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари ва ногирон болалар тақлиф этилди.

Болақонлар Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари билан учрашди. Танқили хонандалар, бадиий дасталар, кўнрақ театри жамоалари уларнинг хизматида бўлди. Театрлаштирилган томошалар, куй-қўшиқ ва рақслар жажжи томошабинларга олам-олам завқ бағишлади.

Тадбирларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўҳорги Кенгеси раиси, вилоятлар ҳокимлари кичинтойларни байрам билан табриқлаб, уларга Юртбошимиз номидан Янги йил совғаларини топширди.

«Президент арчаси» байрам томошалари жойларда давом этмоқда. (ЎзА)

«ЖИГАРРАНГ АЙИҚЧА» КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

— Зухра опа, янги чақалоқнинг дунёга келиши оила учун катта бахт. Айниқса, бу байрам кунини рўй берса, дилларга қувонч устига қувонч қўшади-да!

— Бунинг сўз билан ифодалаш қийин. Баъзи бировлар бу дақиқани бир умр куттиб ҳам мақсади-га етолмайди.

Ҳомиладор аёл икки йўл ўртасида туради. Ўз оёғи билан туғруқонага юриб келиб, бир пастда оғирлашиб қолиши ҳеч гап эмас. Туғиш — бу мўъжиза. Бундай оғир пайтда аёл шифокордан нажот топади. Туғруқонамизда 500 га яқин тиббиёт ходимлари меҳнат қилишади. 52 нафар кўли энгил шифокорларимиз бор. Улар хавфсиз оналик учун, яъни доридармонсиз, оғриқсиз туғдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Худудимизда 77 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар истикомат қиладилар. Қолаверса, кўп туғувчи аёллар ҳам шу худудда яшайди. Меҳнат фаолиятимизда бир қатор муваффақиятларга эришмоқдамиз. 2004 йилда бахтимизга бирорта оналар ўлими бўлмади. Мана йил ўтапти, энди юзимиз ёруғ.

— Йил давомида қанча чақалоқ туғилди? Туғруқонани замонавий ускуналар билан таъминлаш масаласи қай аҳволда?

— Утаётган йилда 190 ўринга мўлжалланган туғруқонамизда 2554 чақалоқ дунёга келди. Бу катта воқеа. «Дўстона оналик» сертификати га эгамиз. Бу дегани — чақалоқ туғилиши билан она қўлига берилди. Она фарзандини ўз сути билан тўйдирди. Бундай бола соғлом бўлади. Кейинги пайтда оналарни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор

Бугун халқимиз Янги йилни кўтаринки кайфият ва мамнуният билан кутиб олмоқда. Сихат-саломатлик йили, деб эълон қилинган 2005 йилнинг илк оқшомида мамлакатимиз туғруқоналарида қанчадан-қанча чақалоқлар дунёга келди. Бу юртимиздаги осойишталик ва тинч-тотувликдан, файзли, тароватли кунлардан нишона. Мухбиримиз байрам арафасида пойтахтимиздаги 2-туғруқона бош шифокори Зухра Нажинова билан сўхбатлашди.



қаратмоқдамиз. Яқинда туғруқонамиз қимматбах оуний нафас олиш аппарати ва чала туғилган болаларни оғир аҳволдан кўтаришда ёрдам берувчи «Кувес» тибкий мосламасига эга бўлди.

Шифокорларимиз ўз билим ва тажрибаларини оналик ва оналикни муҳофаза қилиш ва она соғлигини мустаҳкамлашга қаратмоқдалар. Ҳомиладор аёлларга бирор жойи қаттиқ оғриб қолгандан кейин эмас, балки оғримай

туриб тиббий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқдамиз.

— Агар, сир бўлмаса, айтинг, Янги йилда туғилган биринчи чақалоқни қандай куттиб оласизлар? Орзу-истакларингиз ва халқимизга қандай тилакларингиз бор?

— 2005 йил кириши билан туғилган илк чақалоққа қимматбах сова таъсис этганмиз. Бу совага — «Жигарранг айиқча» дир. У кимга насиб этади — санокли соат-

лардан сўнг маълум бўлади. Кўнлимдаги орзу-истагини айтишга бўлсам, Янги йилда Ўзбекистоннинг 26 миллионинчи фуқароси туғилиши кутилмоқда. Қани энди, шу бахтиёр чақалоқ бизнинг туғруқонамизда дунёга келса, ўзимизни беҳад бахтли ҳисоблардик. Янги йил барча-барчага олам-олам қувончлар келтирсин!

Сўхбатдош:
Бардамбек
САЪДУЛЛАЕВ

Диққат танлов!



«ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР»

Бу дунёда ҳар бир инсон узок умр кўргиси, бахтли яшагиси келади. Орзу-ҳавасларга етиши учун эса инсонга энг аввало сихат-саломатлик зарур эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, узок умр кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Узок умр кўришнинг сир-синаоти нимада? Одам қаерда қандай яшашга боғлиқми? Оиладаги ёки жамиятдаги муҳитга боғлиқми? Инсоннинг касбкорига, кўнглига, ақлу фаросатига боғлиқми?...

Юртбошимиз Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Японияда юз мингдан зиёд бир асрдан ортиқ умр кўрган кексалар борлигини таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, ҳавас қилса, ўрганса арзигулик тажриба бу. Лекин 100 ёшга тўлиш ва бу кутлуг ёшдан ошиш бизнинг халқимиз орасида ҳам қадимда кўп бўлган. Аммо кейинги юз йил давомида мамлакатимизда ёши улуғлар сони кескин камайганлиги сабаби кўпчиликка яши маълум.

Янги йил арафасида тахририятимиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан олган маълумотномага кўра,

хозир республикаимизда:
80 ёшга тўлганлар 9970,
90 ёшга тўлганлар 3756,
100 ёшга тўлганлар 565,
100 ёшдан ошганлар 99 нафар экан.

Барча пиру бадавлат отахону онахонларимизга янада узок умр тилаймиш, ҳаммамизга ана шундай улуғ ёшларга етиш насиб этсин.

Тахририятимиз янги йилдан бошлаб 100 ёшга тўлган ва 100 ёшдан ошган отахону онахонларимиз ҳақидаги энг яхши мақола, сўхбат, очерклар учун танлов эълон қилишга қарор қилди.

Газетамизнинг бугунги сонидида ушбу мақсад йўлидаги дастлабки сўхбатни чоп этаёلمиз. Вилоятлардаги ўз муҳбирларимиз, барча ҳамкасбларимиз бу танловда фаол иштирок этишга деган умиддамиз. Йил охирида ушбу руҳи остида эълон қилинган барча материалларни жамлаб, «Ўзбекистон овози» газетаси кутубхонаси туркумида китоб ҳолида нашр этиришга қарор қилганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИНГ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2004 йил 26 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, Ўзбекистон халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайлов бўлиб ўтди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мувофиқ равишда ошкоралик ва очиқлик руҳида ўтган сайловда 12 миллион 197 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 85,1 фоизи қатнашди. Бунда ҳар бир сайлов округи бўйича бита депутатлик ўринга камидан 3 нафар номзод, Андижон, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида эса 4-5 номзод кўйилган эди.

Депутатликка номзодлари кўрсатилганлар орасида хотин-қизлар 30,1 фоизни ташкил этди. Овоз бериш натижалари бўйича 946 та сайлов округида ёки округлар умумий сонининг 15 фоизига номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўламади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланишидан кейин бир ойдан кечиктирмий ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайлов тўғрисида»ги ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатлари сайлови бўйича тақрорий овоз бериши 2005 йил 9 январда ўтказиш тавсия этилсин. Белгилаб кўйилсинки, тақрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилиши керак.

2. Янги сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларининг биринчи ташкилий сессиялари 2005 йил 11-15 январь кунлари ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлиси 2005 йил 17-19 январь кунлари ўтказилсин.

4. Белгилаб кўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сайлови бўйича тақрорий овоз бериши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши лозим.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси **Б.МУСТАФОЕВ** Тошкент шаҳри, 2004 йил 30 декабрь

2004 ЙИЛНИНГ ЎН УЧ БУЮК ҲАҚИҚАТИ

Йиллар ўз ўрнини янги йилларга, асрлар эса навбатдаги юз йилликка бўшатиб бераверади. Бу — вақт қонунияти. Лекин биз ўтаётган фурсат учун эмас, унинг мазмун ва моҳияти олдидан масъулмиз. Умр китобининг яна бир саҳифаси ниҳоясига етди. Уни эртага варақлайдиган авлодлар эса сизу бизга ўз баҳоларини берадилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир лаҳза ганимат, ҳар бир кунимиз бебаҳо, қайтмас бир олам.

2004 йил мамлакатимиз миқёсида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилган йил бўлиб тарихга муҳрланди. Замондошларимиз юртимиз иқтисодий қудратини ошириш, халқимиз



Аслиддин РУСТАМОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби:

— Бугун инсоният милодий XXI асрнинг тўртинчи поғонасидан бешинчисига кўтарилди. Янги йил ҳам олдингиларидек янги режалар бажарилиши, озу-хаваснал вазифалари ишлаб чиқилди. Ўйлаш керакки, бу йилда шундай қилганимизки, бу йилда шундай қилганимизки, бу йилда шундай қилганимизки... (text continues with a narrative about national progress and development).

Ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди. Иқтисодиётда ривожланиш суръатларининг ўсиши оқори бўлди. Парламенти ишлари кенг кўламли олинди. 26 декабрь сайловлари шу йилдаги муҳим қадамдир. Жамиятнинг демократиялаштириш сари янги одимлар кўйилди. Ўзбекистоннинг Фарбу Шарқ давлатлари, хусусан, Россия билан ҳар томонлама ҳамкорлиги кенгайди.

Поёнига етган йил партиямиз учун ҳам самарали бўлди. Ноябрь ойи бошида унинг навбатдаги IV Қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат сиёсий майдондаги сўл куч — барча меҳнат ахлоқ манфаатларининг ифодачиси, ахлоқ заиф табақаларининг ижтимоий ҳимоячиси, деб эълон қилинди. ХДП тузилгандан буюб биринчи марта партиянинг ижтимоий таънини масаласига ва сиёсий фаолиятнинг мақсад-вазифаларига аниқлик киритилди.

2005 йилга янги умид-орзулар, режалар билан кирмоқдамиз. Партиямиз мамлакатимизда исчи давом эстафети аниқланган ҳолатда қўшаётган хиссасини қўлайтиришга ҳаракат қилади. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва вилоят, туман, шаҳар Кенгашилари таркибиди ўз фракцияси ва депутатлик гуруҳларининг тузилиш, улар орқали Сайловчи Платформасида қўйилган вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, ташкилотларимиз Сихат-саломатлик йили Давлат дастурини амалга оширишда баҳоли қудрат иштирок этишмоқдамиз. Партиянинг ички ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Кейинги қурултойда қабул қилинган Ўзбекистон ХДПнинг янги тарихидаги Устави асосида партиянинг ички ҳаётини ислоҳ қилиш, унинг парламентчилик фаолиятини тобора кучайтириб бориш, умуман ташкилотимизнинг сиёсий салоҳиятини янада оширишга қаратилган ишлар олиб борилади.

Хуллас, биз Янги йилга катта озу-умидлар билан кирдик ва уларни рўёбга чиқариш учун барча имкониятларимизни ишга солишга бел болаганамиз. Нурия ТУРЕЕВА, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари:



Нурия ТУРЕЕВА, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари:

— Президентиимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида республика Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинди. Унга кўра, фуқароларнинг ўз

миз маънавий салоҳиятини юксалтириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Шу боис ҳам замонамиз қаҳрамонлари сафи кенгайди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган 2004 йилнинг ўн уч буюк ҳақиқати эса аллақачон ўтмиш мулкига айланди. Бу мазий адолати эса миллатнинг истиклол осмонидagi қудратли парвозини таъминлайди. Мустақиллигининг ўн тўртинчи йилга қадам қўяётган мамлакатимиз учун ўтаётган ҳар бир йил муҳим аҳамият касб этиб бераверади.


Меҳр ва муруватдан — Сихат-саломатликка қилинган эзгу амаллар янги йилда ҳам барқарор бўлсин.

Юз йилликнинг муҳим йиллари бўлиши шубҳасиз, аммо бу йилда шундай қилганимизки, бу йилда шундай қилганимизки... (text continues with a narrative about national progress and development).

Дастурга асосан 2009 йилга 325 та янги мактаб қурилади, 2313 таси реконструкция қилинади, 3769 та мактаб капитал, 2069 та мактаб эса жорий таъмирланади. Шу билан бирга 100 фоиз мактаблар замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъмирланади.

Янги йилдаги машаққатли касб эгалари бўлган ўқитувчиларимизга тинчлик-хотиржамлик олиб келсин. Мактаблар борасида бошланган буюк ўзгаришлар янги йилда ҳам давом этaverсин.

Мўътабар СОДИҚОВА, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:



Мўътабар СОДИҚОВА, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Меҳр ва муруват йилида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Шундан бири сифатида пенсионерлар, уруш ва меҳнат фаришталари, ногиронларнинг кўришиш мусонасида бепул соғломлаштириш мақсадида улардан 35703 нафарига йўлланмалар ажратилганини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ушбу ҳаракатлар кўламини кенгайтириш мақсадида Жиззах вилояти Галларол туманидаги «Маржон суви» сихатгоҳи Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан вазирлигимиз тасарруфига ўтказилди.

«Меҳр ва муруват йили» Давлат дастурининг «Республика ногиронлар, кўзи ожизлар ва қарлар жамиятларига қарашли корхоналарга 600,0 млн. сўм имтиёзлик кредит ажратиш, бу корхоналарда 5000 нафардан кам бўлмаган ногиронлар иш билан таъминлаш» тўғрисидаги 31-бандига асосан номлари зикр этилган жамиятларга қарашли 47 та корхонага 669,1 млн. сўм имтиёзлик кредит ажратилиб, 4485 нафар ногирон иш билан таъминланди.

Элғиз пенсионерлар, ногиронлар, бокучисини йўқотган oilаларининг ўй-joyларини таъмирлаш ҳамда уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида улардан 2056 нафарнинг ўй-joyларини бепул таъмирлаб бериш ҳамда «Саховат» ва «Муруват» уйларига яшаётган қария ва ногиронларга жами 3399,0 млн. сўмлик халқаро инсонпарварлик ташкилотлари томонидан муруват ёрдамлари кўрсатилади.

Сихат-саломатлик йилида ҳам бу эзгу амаллар давом эттирилади. Ақмал БОБОНОВ, Халқ таълими вазириликнинг спортини ривожлантириш бўлими бош назоратчиси: — Биз тарихга кўз тутаётган 2004 йил бошқа кўнглина соҳалар қатори мамлакатимизнинг спортда ҳам ўрнини қўлибди. Бергинга болалар спорт тўғрисида гапирадиган бўлсак, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши дастурига киритилган 49 та қурилиш режалаштирилган ва реконструкция қилиниши лозим бўлган 71 та ишоот фойдаланишига топширилди. Бу ишлар учун 8 миллиард 390 минг сўм, зарур жиҳозлар билан таъминлашга 69 миллион 700 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, республикамиздаги барча меҳрибонлик уйларида спорт жиҳозлари тақдим этилди.

2004 йил 13 июль. Ушбу сана ёш ўзбек grossмейстери Рустам Қосимовнинг ҳақиқатини яна бир саҳифаси ниҳоясига етди. Уни эртага варақлайдиган авлодлар эса сизу бизга ўз баҳоларини берадилар.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ЧИҚИШ ТАРТИБИГА ОИД

Сўнгги пайларда Ўзбекистон фуқаролари томонидан Россия Федерациясига чиқиш тартибини тушуниши сўраб республика мутасадди органларига муурожаат қилиш ҳолати тез-тез учрамоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги консуллик бошқармаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги кириш-чиқиш ва фуқаролик бошқармаси кўйидагиларни хабар қилади:

2000 йил 30 ноябрь кунини имзоланган «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси фуқароларининг ўзаро сафарлари тўғрисида»ги ҳукуматларо шартномага биноан мамлакатларимиз ўртасида визасиз кириш-чиқиш тартиби жорий қилинган. Бу шундан далolat берадики, Ўзбекистон фуқароларининг Россияга ва Россия фуқароларининг Ўзбекистонга сафар қилишлари учун ки-

риш визаларини расмийлаштириш талаб қилинмайди. Ўзбекистон фуқаролари учун чегарани кесиб ўтиш фуқаро шахсини тасдиқловчи кўйидаги амалдаги йўл ҳужжатларига асосан бажарилади.

— Ўзбекистон Республикаси фуқаро паспорти, — Ўзбекистон Республикаси дипломатик паспорти, — Ўзбекистон Республикаси 16 ёшга тўлмаганликни тасдиқ-

ловчи фуқаро гувоҳномаси. Республика фуқароларининг мустақил йўл ҳужжатларига эга бўлмаган 16 ёшга тўлмаган болалар билан мамлакатдан чиқиб кетиш ҳолатида ота-оналар ёки болага қузатувчи бўлган шахсларнинг паспортларига белгиланган тартибда фақат бола ҳақидagi маълумотлар ва боланинг фотосурати киритилади.

Ушбу тартибни расмийлаштириш учун ота-оналар ёки болага қузатувчи бўлган шахслар ўзларининг доимий яшаш жойларидаги ички ишлар органларининг кириш-чиқиш ва фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи бўлиналарига олдиндан муурожаат қилишлари лозим.

«Жаҳон» АА

Чегара қўшинлари Тошкент тизор гуруҳи бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Раҳматилла Курбанов. — Хаммамиз бир нарсани чуқур англашмиз кераки, террорчилик ва экстремизм хавфи ортган ҳозирги кунда биринчи навбатда, шахсий масъулият ҳиссини ошириб, халқимизнинг тинч ҳаёти ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашнинг зарур. Чегара қўшинларининг ҳушёрлиги тўғрисида 160 килограмм геронин ушланб, 300 миллион сўмлик товар моддий бойликлар қонунсиз олиб кетилиши ва олиб кирилишига йўл қўйилмади.

Ватан ҳимояси — олий шараф

ЧЕГАРА — МУҚАДДАС

уни мардлар кўриқлайди

Чегарачи. Шарафли ном. Унинг эгидaги либосда ҳавас билан қараймиз. Муқаддас заминимиз — Ўзбекистон дeя аталмиш юртин азамат чегарачиларимиз кўриқламоқда. Улар сизу бизнинг тинч-осойишта ҳаётимизни ҳимоя қилиб, сарҳадларимизда кeчаю-кунду хушрў туршишибди. Халқимиз ана шундай мард ва жасур ўғлонлари билан ҳақиқатда фахрланади. Террорчилик — йнгирма биринчи асрда инсониятга таҳдид соловчи энг хавфли иллатга айланди. Демак, ҳар биримиз хушрў ва оғоҳ бўлмоғимиз бугунги кун талаби. Тошкент тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир иштирокчилари ҳам оғоҳлик нечоғли муҳимлигини қайта-қайта тақрорлашди. Чегарачилар, ҳокимлик вакиллари, маҳалла фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот ходимлари «Оғоҳлик — давр талаби» мавзусида ўзаро фикр алмашдилар. Дарҳақиқат, осойишталикни таъминлашга ҳар бир фуқаро масъулдир.

Сир эмас, ёвуз ниятли бузуғчилар ўзларининг қабий ниятларини амалга ошириш учун юртимизга суқулиб киришга ҳаракат қилишмоқда. Гиёҳванд моддаларнинг юртимизга қонунсиз олиб ўтишига урдини ҳолатлари қузатишмоқда. — Чегара — муқаддас, уни ҳимоя қилиш ва кўриқлаш бизнинг шарафли бурчимиздир, — деди

Фаруҳ ҲАМРОЕВ, Матнозор ЭЛМУРОДОВ, Зойниддин МАМАДАЛБЕВ, Маммурижон МАХМУД тайёрладилар

(Давоми бор...)

Ўзбекистон иртихорлари

Миржалол ҚОСИМОВни алоҳида таништириб ўтишнинг ҳождати бўлмас керак. Ўзбекистонлик ҳар бир футбол иштироки бу инсонни яхши билади. Ун беш йилдирки, у ўзбек футболу нуфузига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Миржалолнинг борлиги бошқа футболчиларимизга ҳам далда бўлаётир.

Терма жамоасиз олдида масъулиятли мавсум кутиб турибди. Футболчиларимиз ўзбекистонлик мухлисларнинг азалий орзуси — Жаҳон чемпионатининг финал босқичига чиқиш учун бел болаганлар.

Янги йил арафасида мухбиримиз Миржалол ҚОСИМОВ билан учрашиб, шу кунларда ишқибозларни қизқирган саволларга жавоб олишга ҳаракат қилди.

— Миржалол ака, ўтган мавсумни Россия премьер-лигасида ўтказдингиз. «Алания»даги фаолиятингиздан қониқдингизми?

— Бундан бир неча йил олдин бу жамоада тўп сурганим боис клубнинг шарт-шароитини яхши биламан. Стадион, машгулот майдонлари, спорт заллари, тренажёр, бассейн, компьютер хоналари, қўйингки, барчаси мен учун таниш эди.

Жамоага келсак, аввалги таркибдан фақатгина Артур Багаев ва Алан Агаев қолган экан. Раҳбарият ҳам ўзгариб кетган эди. Шунга қарамастан, жамоадошларим билан тил топишиб кетдим. Қолаверса, жамоа мураббийи, яқин дўстим Бахва Тедевс билан авваллари бирга ўйнаганимиз учун у менинг имкониятларимни яхши биларди ва менга суянардди. Мен ҳам ўз ўйиним билан унинг ишончини оқлашга ҳаракат қилдим. Муҳлислар ҳам хали унуттирмаган экан. Қаерда дуч келишмасин қадрдонлардек илқ қўришишди, майдонда-ку айتما-са ҳам бўлади. Умуман олганда, «Алания»даги фаолиятим кўнглимдагидек бўлди, дейишим мумкин.

— Ҳозир нима иш билан машғулсиз?

— Дам олаётиман. Билсангиз, спортчи учун машгулотлар қанчалик муҳим бўлса, тўғри ҳордиқ чиқариш ҳам шунчалик аҳамият-лидир. Қолаверса, олдимизда янада машаққатли мавсум турибди. Шунинг учун кишики танаффусдан фойдаланиб, яхши дам олоқчиман.

— Янги йилда жамоасиз Жаҳон чемпионати саралаш босқичларининг ҳал қилувчи босқичида ўйнайдиган Мазкур босқич мuddатлари ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Учрашувлар ўтказиладиган кунларга алоҳида эътибор бердим: 25 март, 30 март, 3 июнь, 8 июнь ва 17 августдаги ўйинлар биз учун қўлай. Фақатгина 9 февралда бўладиган биринчи учрашув бироз қийинчилик туғдири-

ш мумкин. Биринчидан, терма жамоани йиғиш қийин кечади. Легионерларимиз ўз клублари сафида дунёнинг турли бурчақларида йиғинларда бўлади. Иккинчидан, қишки таътил пайтида кўпчилик футболчиларда ўйин амалиёти бўлмайди. Лекин, нима бўлганда ҳам, бу учрашувга пухта тайёргарлик кўрамаиз ва фақат галаба учун ўйнаймиз.

— Яқинда Осиё футбол конфедерациясида кўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси «А» гуруҳида Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва Кувейт футболчилари билан босқич олиб борадиган бўлди...

— Эсимда, 1998 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида корейларга 2:1, 1:5 ҳисобида ютқазиб қўйган эдик. Сўнги йилларда улар дунёнинг кучли терма жамоалари билан тенгма-тенг ўйнапти. Саудия Арабистони эса қўйишимизнинг энг кўзга кўринган терма жамоаларидан бири. Кувейт футболчи ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу босқич йўлнамасини Хитой-дек кучли жамоадан тортиб олгани уларнинг имкониятини кўрсатиб турибди. Умуман, ҳал қилувчи босқичда «бўш» жамоа бўлмайди. Кўпчилик Эрон ва Япония терма жамоалари билан ўйнамастимиз яхши бўлди, дейпти. Лекин бизнинг гуруҳда ҳам барча учрашувлар кескин ва муросасиз кечишини ҳозирданок та-

Бизда эса «Пахтакор» терма жамоа базаси сифатида шакллантирилди ва қўйиш микросидаги мурожаатларда бу ўз самарасини берапти, лекин миллий чемпионатда «Пахтакор»га муносиб рақиб топилмапти. Бундай вазиятда нима қилмоқ керак? Бунинг жавоби битта — қолган жамоаларни «Пахтакор» даражасига етказиш. Бу ниманинг эвазига амалга оширилади? Бунинг ҳам жавоби оддий — жойларда футболга жиддий эътибор бериш орқали. Россияда ҳам бошда кўп таниқли футболчилар хоржигга ке-

саввур қилиш мумкин. Ахир ҳам-манинг мақсади жаҳон чемпионатиди иштирок этиш. Барча жамоалар бунга эришиш учун жон-жаҳди билан ўйнайди. Шундай экан, барча рақибларни хурмат қилиш керак.

— Ҳозир федерациямиз раҳбарлари терма жамоага ўртоклик учрашувлари, йиғинлар ва бошқа шарт-шароитларни ташкил этипти. Бизнинг вазифамиз эса имкониятлардан тўғри фойдаланиб,

тиб қолган эди. Мамлакатда футболга катта сармоя ажратилгач, уларнинг ҳаммаси ортага қайтди. Хатто, Европа чемпионлар лигасини кўлга киритган Дмитрий Аленичев ҳам қадрдон «Спартак»га қайтди. Ҳозир 40 га яқин футболчиларимиз Козогистонда тўп суратганини кўпчиликка маълум. Агар жойларда уларга эътибор берилганда улар жонажон ўйларини ташлаб кетишармиди? Мана, яқинда менга Муборакнинг «Машъал» жамоасидан таклиф тушди. Клуб раҳбарлари билан учрашдим. Менга уларнинг шижоати, футболга бўлган эътибори ва Ўзбекистонда энг кучли жамоа яратишга қаратилган мақсадлари жуда ёқди. Бу қадамимиз «Пахтакор» мухлислари тушунишмас, лекин пахтакорчилар таркибиди бир оёк билан рақибларни енгиб маҳоратини туширгандан кўра, «Машъал»ни юқори чўққиларга олиб чиқишга ҳисса қўиш кўпроқ қизиқтиради.

— Ҳорж чемпионатлари-дан нималарни ўрганишимиз лозим?

— Ўйингоҳ мухлисларга лиқ тўлиши учун миллий чемпионат савиясини ошириш керак. Савия эса кучи бир-бирига тенг жамоаларнинг муросасиз учрашувлари ҳисобига ошади. Масалан, Англия, Италия, Испания, Франция миллий чемпионатларида исталган ўйинни олдиндан башорат қилиш қийин. Жаҳоннинг энг кучли футбол юлдузларини жамлаган «Реал» Испаниянинг ўртаме-на жамоаларига очко улашишга мажбур. Бу йилги Россия чемпионати ҳам жуда муросасиз ўтиб, чемпион сўнгги турдагина аниқланди.

— Юртимизда футбол билан шуғулланаётган миллионлаб болалар сизни яхши кўради, сизга ўхшагиси келди. Сиз болалигингизда қайси футболчиларни ёқтирддингиз?

— Узимизнинг «Пахтакор»чиларни, шунингдек, «Динамо» Кивевдан Буряк, Заваров деган футболчиларни яхши кўрардим. Замоношларимдан чехиялик Недведнинг ўйинлари ёқади, жуда ҳаракатчан, фидойи футболчи. Яна Бекхэм, Швеченколарнинг ўйини ҳам диққатга сазовор.

— Ҳорж футболчи бўлиш учун ёшларимиз нималарга эътибор беришлари керак, деб ўйлайсиз?

— Биринчи навбатда кўп меҳнат қилиш. Тўғри, аввало истеъдод керак. Лекин ҳамма соҳада ҳам меҳнат қилмас экан нарсани ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун ўз устиди кўпроқ ишлаб, маҳоратини ошириб бурсалар келажакда улар ҳам машҳур футболчи бўлиб етишишди.

— Кўпчилик қизқадди, Миржалол Қосимов нега айнан «4» рақамини танлаган экан, деб...

— Ешлигимдан тўрт рақамини ёқтирдим. Кейинчалик шу рақам билан дунёга танилдим. Шунинг учун ҳар доим «4» рақамли футболчада мадонга тушаман.

— Жарима тўларини тепишнингизда қандай сир бор?

— Бу, аввало, кўп меҳнатларимнинг самараси. Машгулотлар-



Ўзбекистон овози газетаси жамоасига, ўқувчиларига ва халқимизга, Янги йилда янги омадлар тилаймиз.
Миржалол Қосимов.

Янги йилни
ким қандай
кутади?

Янги йил — тароватли, ўзгача руҳли, ажиб байрам. Гарчи у халқро байрам бўлса-да, уни турли халқлар турли муддатда, турфа кўринишда кутиб олади. Масалан, италиянларнинг Янги йил кечаси деразадан эски буюмларни улоқтиришни кўпчилигимиз яхши биламиз. Хўш, қолганлар-чи? Яна кимлар Янги йилни ўзига хос ва қизиқарли кутиб олади?

Англия, Шотландия ва Уэльсда ўтаётган йилнинг сўнгги дақиқаларида эшиклар ланг очиб қўйилади. Шундай қилинса, орқа эшикдан эски йил чиқиб, олд эшикдан Янги йил кириб келармиш.

— Суданда Янги йилни Нил дарёси қирғоғида кутишади. Шунда ҳамма эзгу ниятлар рўйбга чиқаркан.

— Кенияликлар Янги йилни сувда нишонлашни хўш қўришади. Улар ўша кунни дарёларда, кўлларда ва Ҳинд океанида қайиқларда сузишиб, хурсандчилик қилишади.

— Панамада Янги йил кечаси кучли шовқин кўтарилди: автомобиллар сигнал беришади, одамлар бақириб-чақиршади... Қадимий эътиқодга кўра, шовқин ёвуз руҳларни ҳайдаб юборар эмиш.

— Жанубий Африка Республикаси пойтахти Йоханнесбургда шундай кварталлар борки, уларнинг аҳолиси Янги йилни кутиб олишда италиянлардан ўтиб тушишади. Полиция машиналар ҳаракатланмаслиги, хавфсизлик учун кварталларни ёпади. Тез орада деразалардан музлатгичлар «чўчирилади».

— Эквадор. Ким йил бўйи сайру савҳат қилишни истаса, унда соат миллари 12 марта бонг ураётган пайтда кўлда чемадан ёки сумка билан ҳовлида югуриб айланиб чиқиши керак.

— Вьетнам. Бу мамлакатда Янги йил кечасида барча гина ва хафгар-чиликлар унутулади. Бир вақтлар вьетнамликлар худо карп балиги эъти-қидида сузиб юришига ишонган. Шунинг учун ҳам улар Янги йил арафаси-да айнан шу балиқни сотиб олиб, дарёга қўйиб юборишар экан.

— Непал. Непалликлар Янги йилни эрта тонгда кутиб олишади. Байрам тонгда чиққан кўёш Янги йил элчиси сифатида таърифланади. Шу кунни одамлар юзига буюб суртиб кўчага ашугла айтиб рақс тушгани чиқишади.

— Финляндия. Бу мамлакат Қорбобо ватани ҳисобланади. Шу кунни Қорбобо болаларга ширинликлар улашади. Ойилар турли ноз-неъмат-ларга тўла стол атрофида йиғилади.

— Германияда Санта Клаус эшакчани миниб юради деган ақида кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам болалар стол устига ликобча, ёнига эса эшакча учун бир сиқим сомон қўйишар экан.

— Кубаликлар Янги йилдан олдин уйлариди бор идиш-товоқларни сувга тўлдириб қўйишади. Байрам кечаси Озодлик ороли халқи Янги йил сувдек мусаффо бўлишини тилаб идиш-товоқлардаги сувларни деразалардан тўкиб юборишади. Соат 12 марта бонг уриб бўлгунча 12 донга узумни ёб улгурган кишига йил бўйи омад қўлиб боқар эмиш.

— Япон болалари байрамни янги кийимда кутиб олишади. Айтишларича, бу Янги йилда саломатлик ва омад олиб келаркан. Бонгнинг 108 марта уриши Японияга янги йил кириб келганини билдиради. Бонгнинг ҳар бир уриши одамлардаги битта камчиликни йўқ қилар эмиш.

— Грецияликлар Янги йил кечаси бир-бириникига меҳмонга бориша-ди ва албатта, ўзалари билан тош олиб олишади. Агар тош оғир бўлса, тилак билдиришади: «Хонадон соҳибининг бойлиги мана шу тош каби оғир бўлсин». Борди-ю тош кичик бўлса, унда шундай дейишади: «Хўжайиннинг кўз яраси шу тош каби кичик бўлсин».

— Хитойда Янги йил кунни Будданинг барча хайкаллари ювиб чиқила-ди. Одамлар эса бир-бирига энг яхши тилақларни тилаб, устларидан сув қўйишади.

— Шимолий Американинг ҳиндулари Янги йилни ўрмон далаларидаги улкан гулдан олдида кутиб олишади. Гулдан оппоқ либосларни кийиб, юз-ларини ҳам оқ рангга бўяшади. Ҳамма гулдан атрофида рақсга тушади.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
Хуршид РАУПОВ тайёрлади

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ПАХТАСАНОАТ»
очик акциядорлик бирлашмаси жамоаси
Янги йил кириб келиши муносабати билан барча
ватандошларимизни чин дилдан муборакбод этади.
Яқунланаётган Меҳр ва мурувват йили қорақалпоғистонликлар учун
омадли келди. Ҳақиқий маънода пахта йили бўлди, десак муболага
эмас: режадаги 176 минг тонна ўрнига 184 минг тонна
сифатли пахта етиштирилиб, улкан хирмонлар уюлди.
Айни кунларда пахта заводларимизда далалардан
териб олинган ҳосил қайта ишланиб, истеъмолчиларга
жўнатилмоқда.
2005 йилдан эса умидларимиз янада катта.
Сиҳат-саломатлик йилида барча юртдошларимизга
омонлик, бахт-саодат тилаймиз.
Янги йилнингиз кутлуғ бўлсин, азизлар!

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили



ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН МОМО

«Сиҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема» дейди бир асрдан ортиқ умр кўраётган Курбоной она БОТИРОВА

Зомининг табиати ўзига хос гўзал ва бетакрордир. Унинг соф ҳавоси, тоғлар бағридаги булоқлардан қайнаб чиқётган зилол сувлари, дов-дарахлари, шифобахш ўт-ўланларининг минг дардга даво дейишиди. Одамларини айтмайсизми? Уларнинг аксарияти тоғликларга хос соғлом, бақувват, содда ва жумрад келишиди. Бу ерларда умргузаронлик қилаётганлар орасида тўқсон, юздан ошган кексаларнинг кўпчилиги ҳам табиатнинг мусоффолигию, об-ҳавонинг муътадиллигидандир балки. Зеро, бугун туман бўйича ўттиз нафардан ортиқ бир асрдан зиёд умр кечирётган отахону онахонлар кексалик гаштини суришяптики, бу ҳам тасодифий эмас.

бир инсон боласи онадан умри қисқа бўлиб туғилмайдми. Уни ўзимиз қисқартирамиз. Умримиз тугал бўладию, аммо уни ўзимиз елга соварамиз. Агар умримизнинг ҳар қуни, ҳар соатидан тўғри фойдалансак, у узок давом этади.

— Айтганларингизнинг ҳаммаси тўғри, момо. Шундай бўлса, сиз ўзингиз қандай қилиб юздан ошгансиз. Шунинг сабабларини билмоқчийдиз?

— Бу, энди аввало Аллоҳдан, болам. Сўнг меҳнатдан. Ким кўп ишласа, кўп ҳаракат қилса, ўша соғлом бўлади, узок яшайди. Бу гапларни ўзимга қиёс қилиб айтганман, ойно. Мен умрим бини бўлиб, касалхонада ётмаганман, дори-дармоним: соф ҳаво, совуқ сув, ара билан болта бўлган. Яна бир гап. Мошойхлар «Сиҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема», деб бекорга айтмаганлар.

Онахоннинг гапларини тинглаяпмиз, беихтиёр Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн икки йиллигига бағишлаб ақинда ўтказилган тантанали маросимдаги куйидаги сўзлари эсга тушади: «... барчамиз оддий, аммо муҳим бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим, яъни одамзотнинг соғлиги кўп жиҳатдан авваламбор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутади. Буни кўп асрлик ҳаёт тажри-

баси ҳам, тиббиёт тажрибаси ҳам исботлаб келмоқда». Энди юз йилдан зиёд умр кўриб, катта ҳаётий тажрибага эга Курбоной момонинг гапларига қўлоқ тутайлик:

— Хўп замонларни кўрдик, ойно. Қайсинисини айтий. Қимматчилигим, арзончилигим бошимиздан ўтган. Яши замонларнинг ҳам, ёмон замонларнинг ҳам шоҳидиман. Замонда айб йўқ, болам, ҳамма айб ўзимизда. Бутунгидай дорилмон кунларнинг қадрига етайлик. Тўғри, ҳамма замонларда ҳам ишлаган, меҳнат қилган киши хор бўлмас экан. Аёл бошимиз билан иш танламасдан ишладик. Кези келганда кўш қўшдик, ер ҳайдадик, кези келса кетмон чопдик, гоҳида зовур қазисак, гоҳида ўрок ўрдик. Лекин ҳар доим ўзимизни, соғлигимизни авайлаб яшадик. Оламда минг хил касаллик бор, лекин соғлигимиз битта, дедик. Еб-ичишда ҳам, юриш-туришда ҳам, хатто орзу-ҳавасда ҳам меъёр деган, инсоф деган нарсани унутмадик. Ҳаром-ҳариддан, текин луқмадан ҳазар қилдик, ўрлик, эгрилик, ёлғончилик кўчасига кирмадик. Бугун фарзандларим, невараларим, чевараларим, эвараларимга ҳам шунинг ўргатайман, шундай яшасанлар кам бўлмайсизлар, деб айтганман.

Онахоннинг 75 ёшли қизи Шарофат ая гапга қўшилиди:

— Бировлар қариллика азоб-қўбат деб қарайдилар, — дейди у. — Аммо, менинг онахоним юздан ошган бўлсалар ҳам ҳалигача тетик, бардам, соғлом ва қувнок. У кишига қараб, уйлаб қоламан: кексайиш ҳам аслида бир санъат, унга ҳаммаям муяссар бўла олмас экан. Бу санъат ёшларга тўғноқ эмас — сунъик, рақиб эмас — муаллим, бефарқ эмас — ҳамдир бўлишида экан. Бу нарсаларни мен бугун ойиқоним мисолида кўриб, ҳис қилиб туриман. Аслида бундай қариллик, бундай кексаликнинг ўзи бир бахт эмасми?

Икки асрнинг гувоҳи бўлиш Курбоной момо билан хайр-хўшлар эканмики. «Ойно, — деб қолдилар у киши. — Телевизордан янги йилнинг Сиҳат-саломатлик йили бўлганини эшитиб қолдим. Хўп яхши иш бўлибди. Шундай деб айтган Юртбошимизга мендан салом деб қўйин-а. Илоийм, мен каби умри узок, соғ-саломат бўлсин. Иншооллоҳ, одамзод учун соғлиқдан қиммат нимаям бор, бу оламда. Саломатлик бўлмас, на фароғат, на ҳашамат татимайди, болажоним.

ИБРОНИМ ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Курбоной момо Ботирова қизи ва эвараси билан.

Шовкат АКРАМОВ олган суратлар.

Шуниси қизиқки, газета сарлавҳаси остида доимо «1859 йилда ташкил этилган, 1-сон», деб ёзиб қўйилади. Нима учун 1-сон? Гап шундаки, газета бюртмачи хоҳишига биноан ўша захотибк унинг кўзи олдига махсус дўкон босмахонасида чиқариб берилди ва 1 доллар нарҳда сотилди. 1 долларга турли янгиликлардан бохабар бўлиш — чинкама америкалик ўқувчи учун арзон ва қўлай...

КОҒОЗ ТАРИХИ

Қоғоз I аср бошларида Хитойда пайдо бўлган. II аср бошларида янги ашёлар пайдо бўлиши сабабли уни ишлаб чиқариш анча такомиллаштирилди. Сўнгра бошқа давлатларда ҳам кенг тарқала бошлади.

Аммо Европада қоғоз фақат XI-XII асрларда пайдо бўлди. Хитойда 700-йил атрофидаёқ ёғочга ўйилган тасвирлардан нусха олиш, ҳаракатдаги иероглифли ҳарфлар яратишга эришилган. Ҳатто Европада ҳинд туши номи билан маълум бўлган кукун бўёғи ҳам Хитойда кашф этилган. Ушбу омили ва кашфиётларнинг барчаси нашр маҳсулотларини чиқаришга имкон берди.

Хитойда X асрларга келиб кўча иероглифли ҳарф ва XII асрда кўп рангли босма пайдо бўлди. Ҳаракатдаги белгилар лойдан, кейинроқ ёғоч, металл, сополдан ясалиб, асосан катта ҳажмдаги китобларни чоп этишда ишлатилди. XIX аср ўрталарида кириллография ва ҳаракатдаги ҳарф аста-секин ўз ўрнини полиграфия ишлаб чиқаришининг замонавий усулларига бўшатиб берди.

Тўпловчи Ойдин САЪДУЛЛАЕВА

Ўзбекистон Республикасининг «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг думалок муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Биласизми?

ГИННЕСНИНГ РЕКОДЛАР КИТОБИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

У илк бор ёруғлик юзини 1955 йилда кўрди ва ҳозир дунёда энг оммабоп нашр ҳисобланади. Уни тайёрлаш ва чоп этишда «Гиннес публишинг» нашриётининг 5 ходимигина қатнашди, холос.

Маъзур китоб нашр этилишининг тарихи жуда қизиқ; уни чоп этиш гоёси пивохонадаги бир баҳслашув тўғрисида тузилган. Баҳс ўшанда нимадан бошланган дег? Улфатларда «Дунёда энг кучли одам ким?» — деган савол туғилди. Деярли жанжалга айланмаган бу баҳсга Гиннесда ишлаган пиво «кироли» Норрос Макуитер гувоҳ бўлди. Ва беихтиёр Макуитерда турли рекордларни қайд этиб борадиган китоб яратиш гоёси туғилди.

Шундай қилиб, бу гоё Гиннеснинг биринчи китобига замин яратди ва у босилиб чиққан, тез фурсатда сотилиб кетди. Утган йили Гиннес китобининг 47-нашри чоп этилди ва бу гал ҳам тезлик билан қўлма-қўл бўлиб кетди.

ОВОЗАЛАР, ШОВ-ШУВЛАР... ГАЗЕТАСИ

АҚШда чиқадиган «Сентрал Сити энтерпрайз» газетаси турли шов-шув ва овозаларни чоп этади. Бундай овозалар муҳаррирнинг тасаввурули ва қисман янгиликлардангина иборат бўлади.

«ROYALTY AUCTION» давлат унитар корхонаси газетанинг 2004 йил 30 декабри сонидан берилган эълонда кўрсатилган «Шайқонтоғор тумани, Қорғачи маҳалласи, Қураш кўчасида жойлашган уй-жой қўриқ унун мўлкалигига ер участкасига эгалик ҳуқуқининг сатри 0,025 га диб ўрнатишга мўлҳум қилади.

ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ
Ўзбекистон халқини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент вилояти Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ходимларини, шунингдек, баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли касб эгалари бўлиш ўқитувчи ва мураббийларни, Янги — 2005 йил билан самимий қутлайди.
Сиҳат-саломатлик йили барчамизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, муваффақиятлар олиб келсин!

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 137-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ
Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мажбурий уни ютқизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мажбур бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютқили ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб маъзур турдаги рақамнинг чиптадаги мажбурий текширилади.

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2005 йил 20 январдаги 138-тиражида ўйналадиган пул-буюмлар:
1-турда биттадан Автомагнитолла
2-турда биттадан Видеомагнитофон
3-турда биттадан рангли Телевизор
4-турда 20.000.000 сўм ўйналади.
Агар чиптангиз 55-юришгача тўласиз 20.000.000 сўм соҳиб бўласиз.
56, 57-юришда чиптангиз тўласиз «NEXIA» автомобили,
58, 59-юришда чиптангиз тўласиз «MATIZ» автомобили,
60, 61-юришда чиптангиз тўласиз 3.000.000 сўм,
62, 63-юришда чиптангиз тўласиз 1.000.000 сўм,
4-турнинг 63-юришидан сўнг 500.000 сўм.
5-7-турда биттадан рангли Телевизор
Ютувлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютувчи чипта кўрсатилган захоти «Лаура» ХФ сизда берилди. Мазил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлажал: «Украинка» дўкон. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.
Пул ютувлари Миробод тумани Ҳаёк банки бўлимида ҳамда «Лаура» ХФ сизда ва чипта тарқатувчилар томонидан берилди.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey ORLOV, Nomoz SA'DULLAYEV, To'lepbergen QAIPBERGENOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Olim MURODOV, Abdug'ani MAMASODIQOV
MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifati, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar
VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda
MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonamanzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida.
008-raqam bilan royxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
10706 nusxada bosildi
t — Tikjorat materiali
O'za yakuni — 17.00.
Topshirish vaqti — 20.30
1 2 3 4 5 6
Setuvda erkin narxda